

Абу Заррнинг зуҳди



07:00 / 01.07.2019 2397

Абдурраҳмон ибн Авф билан Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳумо учрашиб қолишди. Абу Зарр розияллоҳу анҳунинг кўп сажда қилишини билган Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу унинг икки кўзининг ўртасини ўпди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг кўп садақа қилишини билган Абу Зарр розияллоҳу анҳу унинг ўнг қўлини ўпди. Улар хайрлашишгач, Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу хизматкорига пул солинган ҳамён бериб, уни Абу Зарр розияллоҳу анҳунинг олдига жўнатди ва: «Агар у пулни олса, озодсан», деди. Абу Зарр розияллоҳу анҳу ҳамённи олмади. Хизматкор унга: «Аллоҳ сизга раҳм қилсин, илтимос, олинг. Олсангиз, мен озод бўламан», деган эди, Абу Зарр розияллоҳу анҳу: «Сен ку озод бўласан, аммо мен (дунёга) қул бўлиб қоламан-да», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан